Ўзбекистон Республикаси
БУХОРО ВИЛОЯТИ
БУХОРО ТУМАНИ
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

O'zbekiston Respublikasi
BUXORO VILOYATI
BUXORO TUMANI
HOKIMI
QARORI

2019 йил 05 апрел Галаосиё шахри № 1012

Туман ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автомототрасспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда) хамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиклаш хакида"ги карори (Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари туплами, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда)га мувофик туманда йўл харакати хавфсизлигини таъминлаш максадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Туман ички ишлар бўлими (А.Холиқов) белгиланган тартибда ДЙХХХ органларида руйхатдан ўтказилган юридик ва жисмоний шахсларнинг транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш ишларини ташкиллаштирсин.

Транспорт воситалари куйидаги даврийликка мувофик техник курикдан утказилсин:

а) тижорат асосида йуловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортик бўлган (хайдовчининг ўрнидан ташкари) одамларни мунтазам ташиш учун жихозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар — бир йилда икки марта;

б)ишлаб чикарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чикарилган йили хам шу жумлага киради) транспорт воситалари (мазкур банднинг "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташкари) икки йилда бир марта;

в)ишлаб чикарилган йилини хисобга олган холда ишлаб чикарилганлигига беш йилдан ортик бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чикарилган вакти аникланмаган транспорт воситалари (мазкур банднинг "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташкари) — бир йилда бир марта;

г)тиркамалар кўрикка транспорт воситаси' — шатакчи учун белгиланган муддатларда тақдим этилади.

д) навбатдаги техник кўрикдан ўтказишнинг илгари ўрнатилган муддатларидан катъи назар, уларни ДЙХХХ органларида рўйхатдан ўтказиш

(кайта рўйхатдан ўтказиш) вактида;

е)улар ишлаб чикарилган йилдан катъи назар, ДЙХХХ органларида рўйхатдан ўтказилган (кайта рўйхатдан ўтказилган) кундан бошлаб бир йил ўтгач (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган холатлар бундан мустасно).

Мазкур карорнинг 2-банди "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги:

биринчи марта — 1 март 30 июнгача;

иккинчи марта— 1 сентябрдан 31 октябргача ўтказилсин.

Юридик шахсларга карашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 мартдан 30 июнгача;

Жисмоний шахсларга карашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 январь - 31 августгача ўтказилади.

Транспорт воситалари ДЙХХХ органлари томонидан техник кўрикдан ўтказилганлиги учун Ўзбекистан Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишилган холда тасдикланадиган микдорларда йиғим ундирилади.

Техник кўрик ўтказилганлиги учун йиғим суммаси тегишли махаллий бюджетга ўтказилсин.

Техник кўрикни ўтказиш жадвали 1-иловага;

техник кўрикни ўтказиш бўйича комиссиянинг таркиби 2-иловага мувофик тасдиклансин.

Техник кўрикни ўтказиш буйича комиссия раиси (А.Жумаев)га:

юридик шахсга техник курик утказиладиган муддатлар тўғрисидаги билдиришнома юбориш;

техник кўрикни ташкилотларда, диагностика станцияларида ва техника хизмати кўрсатиш станцияларида иш вактида, техник назорат постларида иш кунларининг кундузги ва тунги вактларида ёки хафтанинг дам олиш кунларидан бирида ўтказиш;

техник кўрикдан ўтказишда техник жихатдан носоз деб топилган транспорт воситасининг, шунингдек техник холати белгиланган талабларга жавоб бермайдиган ёки тегишли рухсатномасиз кайта жихозланган транспорт воситаларининг камчиликлари ва носозликларни бартараф этиш бўйича белгиланган тартибда тегишли чораларни кўриш вазифалари юклатилсин.

Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2018 йил 15 февралдаги 282-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Мазкур карор "Гала-Осиё овози" газетасида эълон килинсин хамда хокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

Ушбу карор расмий эълон килинган кундан эътиборан кучга киради.

Қарорнинг бажарилишини назорат килиш туман хокимининг ўринбосари З.Тохиров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими: **М.Эсанов**

Ш. Тухтамов

А. Жумаев